

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 30-avgust, shanba
№ 68 (15810)

ОЗОД МАМЛАКАТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрамини улкан ютуқлар, муваффақиятлар билан кутиб олади. Энг улуг, энг азиз айёмга муносиб туҳфа ҳозирлаш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Бу йил ҳам улуг байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт кошоналари, турар жойлар, йўллар, кўприклар қуриб битказилди. Халқимизга хос эзгу аҳъаналарга мувофиқ бу иншоотлар хосиятли ва хайрли кунларда – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 29

август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилаиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, узокни ўйлаб тузилган режа асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Пойтахтимизда миллий меъморлик аҳъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган иншоотлар, йўллар, йўл ўтказгичлар,

кўприклар бунинг ёркин намоёнидир.

Президентимиз Шайхонтохур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги замонавий кўприкни болаиб кўрди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳузуридаги «13-кўприк қурилиш» трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган ушбу транспорт боғламаси автомобилларнинг ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратади. Кўприкнинг узунлиги 642, эни 19 метр.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, улар юксак маҳорат, чуқур билим, юқори технологиялар асосида амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчала-

ри кесишган жойда транспорт тифизлиги автомобиллар ва пиёдаларга ноқулайлик туғдирар эди. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар ҳаракатининг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни, автомобиль ёнилғисининг кўп ишлатилиши ҳавони бузади. Бир жойда транспорт тифизлиги юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

2014 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўзини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан бошладилар. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ тайёрланганлиги ва киритилганлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масала Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида, фуқаролар йиғинлари фаолларининг, жамоат ташкилотлари вакиллари-нинг, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакиллари-нинг мажлисларида олдидан муҳокама қилинди.

Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин ҳукумат таклифи, кенг жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш материаллари, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйи-

ча ҳудудий ва республика комиссиялари томонидан тайёрланган хулосалар асосида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

(Давоми 3-саҳифада)



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

«Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз».

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак

эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

(Давоми 4-саҳифада)

ОЗОД МАМЛАКАТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Бунёдкорлик ишларининг узвий давоми сифатида Абдулла Қодирий кўчасига туташ кўчалар кенгайтирилди, собиқ «Динамо» спорт дўкони ўрнида замонавий савдо мажмуалари қад ростлади. Шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Анҳор каналига туташ кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудлар кенгайтирилди.

Президентимиз мазкур ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ушбу кўприқда йилнинг тўрт фаслида ҳам транспорт воситаларининг бемалол ҳаракатланиши учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, замонавий ландшафт дизайни асосида ободонлаштирилган ҳудудларни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Ушбу чорраҳада саккиз қаторли иккита йўл кесишгич. Атрофда банк биноси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, савдо мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис бу ер ҳаммиша гавжум, кўчалар серқатнов бўлади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бу майдонда табиий омиллар ҳисобга олинмай, пала-партиш экиб ташланган дарахтлар бугунги кунда аҳолига ноқулайликлар туғдирмоқда. Йўлнинг ўртасидаги бу майдондан бугун мақсадли фойдаланилмаётгани, ўртадаги майдоннинг кенглиги сабабли бинолар йўлга жуда яқин жойлашганлиги транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатланишига ҳалақат бераётир.

Бу ерда қуриладиган янги йўл ўтказгич тирбандликнинг олдини олиб, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имкониятлар яратади.

Бутун мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда транспорт воситалари тобора кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, манфаатларини тўла таъминлашдир.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириб, саккиз тасмали йўлга айлантириш, мазкур ҳудуддаги кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлади.

Кўприқлар, йўллар ва бошқа иншоотларни қуришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни бориб кўрди.

Йўл — иқтисодийнинг қон томири, муҳим коммуникация воситаси. Йўллар раvon бўлган жойда ҳаёт фаровон бўлади, барча соҳалар раvнақ топади. Буни мамлакатимизда транспорт тизими изчил яхшиланаётгани, иқтисодий ривож ва хал-

қимиз фаровонлиги ошиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида ҳалқа йўллар қурилмоқда. Мавжудлари кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қулайликлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби катта кўчаларни ўзаро боғлайди.

Илгари Тошкентнинг барча қисмида, хусусан, Эски шаҳарда уйлар, бозорлар пала-партиш қуриб ташланган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Бу транспорт ҳаракатини қийинлаштириб, ҳайдовчи ва йўловчилар ортқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган.

Давлатимиз раҳбари ғояси ва лойиҳаси асосида қурилган мазкур янги йўл бундай ноқулайликларни бартараф этади. Ҳар бир томони 4 тасмали кенг ва раvon бу кўча ҳудудда транспорт ҳаракатини енгиллаштиради.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида шундай қийин шароитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислон Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприқлар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилади. Бу ишларимизнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Ушбу янги йўл аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очади.

Йўл билан параллел равишда барча коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси бунёд этилган. Келгусида йўл атрофида замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган. Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурунинг қандай тушишигача ҳисобга олинган. Лойиҳага кўра, турар жойлар уч ва беш қаватли бўлади. Чорраҳаларда фаввора ва гулзорлар, Калковуз ариғи бўйида сайилгоҳ барпо этилади.

Президентимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қиладиган аҳолининг эмин-эркин яшаши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш, йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳонда-

ги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гротсмейстер Нафиса Мўминова каби шахматчиларимизни бугун бутун дунё биледи. Жорий йилнинг июнь ойида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Ислонбек ва Жавохир Синдоровлар икки-тадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намойн этди. Пойтахтимизда 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдулатифов ва Ислонбек Синдоров, иқтидорли шахматчиларимиздан Абдулбосит Шарифжонов, Оқжол Раҳматуллаев, Нодирбек Ёқуббоев, Мафтуна Бобомуродова шохсуларинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъа чемпиони шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажакни таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Шахмат кишидан юксак ақл-заковат, сабр-матонат ва ирода талаб қиладиган ғоят мураккаб спорт тури. Мазкур мактаб келажакда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли ва истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларида шахмат сабоқларини ўрганиши, ўз маҳоратини ошириши мумкин. Мазкур иншоот ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона каби бўлимларни ўз ичига олган. Ўқув-машғулот хоналаридаги электрон шахмат тахталари халқаро андозаларга мос. Мактабда ўқувчилар учун махсус дам олиш хонаси мавжуд.

Бу ерда шахматчиларнинг ўйин амалиётидаги тажриба-маҳоратини ошириш учун шахмат заллари барпо этилган. Ушбу залларда бир вақтнинг ўзида қарийб юз нафар шахматчи ўзаро баҳслашиши мумкин.

Мазкур мактабга болалар танлов асосида саралаб олинади. Уларга тажрибали, профессионал мураббийлар сабоқ беради.

Интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик ёш шахматчилар билан он-лайн тизимда шахмат бўйича беллашиш ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига эга.

Президентимиз мактабда сабоқ оладиган ўғил-қизларнинг шахмат бўйича маҳоратини ошириш, уларнинг эркин ижод қилиши учун янада қулай шароит яратиш борасида зарур тавсиялар билдирди. Ушбу бино ёнида халқаро миқёсдаги йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, миллий руҳ акс этган янги иншоот барпо этиш лозимлигини қайд этди.

Мазкур даргоҳда яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш шахматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириши ҳамда келгусида ўз билими, истеъдоду иқтидори билан мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт усталарини тарбиялаб бериши шубҳасиз.

Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини бориб кўрди.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодий бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда таълим жараёни мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш вазифаларини, халқаро таълим стандартларини ва талабларини, таълимнинг замонавий шакллари ва услубларини ҳисобга олган ҳолда, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Академияда «Маънавият ва маърифат» ҳамда Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказлар барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланган, давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан тўлдирилган.

Ахборот-ресурс марказида академия ходимлари, тингловчилари ва бача фойдаланувчиларнинг мустақил таълим олиши учун зарур шароит ва имконият яратилган. Марказ фондида ўзбек, рус, инглиз тилларидаги адабиётлар, матбаа нашрлари ва уларнинг электрон шакллари мавжуд. Ахборот-ресурс маркази залида Wi-Fi тармоғидан мунтазам равишда фойдаланиш мумкин. Бу ерда хориждаги кутубхоналар электрон ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти яратилган.

Президентимиз ташаббуси билан Давлат бошқаруви академияси биноси замонавий меъ-

морлик ва технологик талабларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди.

Ислон Каримов академия биноси, у ердаги конференция заллари, Ахборот-ресурс марказида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, бу ердаги илмий, амалий ва ташкилий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

— Мазкур академия нафақат илм оладиган жой, балки тажриба ва ҳаёт билан боғлиқ таълим даргоҳидир, — деди Президентимиз. — Бу академияни битирган ҳар қандай киши давлат бошқарувига лойиқ бўлиши лозим. Бунинг учун халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар давлат бошқаруви тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш керак.

Мазкур мажмуада учта конференция ва катта кўрғазма зали, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган ўн та зал, спорт майдони мавжуд. Улар барча зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Академиянинг ўқув биноси ва ётоқхонаси қулай мебель, ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланган. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Академиянинг Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш факультетларида давлат бошқаруви ва жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича икки йиллик таълим дастурлари асосида бошқарув кадрлари тайёрланмоқда. Муассасага қабул олий маълумотга, давлат ва жамият бошқаруви тизимида уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар орасидан танлов асосида амалга оширилаётир. Академияда ўқув, методика, илмий-тадқиқот ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятларининг барча турлари олиб борилади. Битирувчиларнинг меҳнат фаолияти ва касб ўсишлари юзасидан доимий мониторинг ташкил қилиниб, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги кадрларни танлаш, тарбиялаш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланмоқда.

Академия АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур, Озарбайжон каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ташкилот томонидан ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, олий таълим ва илмий муассасаларга, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгилашнилар энг буюк неъмат — мустақиллик берган имкониятларнинг энг амалдаги самараларидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами бўлган Мустақилликнинг йиғирма уч йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик ялпи мажлис давомида сенаторлар 15 та масалани, шу жумладан, 4 та қонунни кўриб чиқдилар.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонунлар мамлакатимизни янада модернизация қилиш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлади. Қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлат ҳокимиятини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида катта аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган ушбу қонун

мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ННТлар давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарали ҳуқуқий механизмлари тизимини яратади. Уни ишлаб чиқиш жараёнида, шу жумладан, миллий ва халқаро даражалардаги турли анжуманлар доирасида кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Олиб борилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-

сига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштириш соҳасида товар-хомашё ва молия биржаларини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишга, биржа битимлари қатнашчиларининг кафолатларини кучайтиришга, хўжалик юритувчи субъектлар товар-хомашё ва молия биржаларида кенг иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар бозор рақобати шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Тижорат сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Ялпи мажлис қатнашчилари Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш ишида алоҳида аҳами-

ятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида сайлов қонунчилигини, ахборот-коммуникация соҳаси, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари амал қилишининг ҳуқуқий асосларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Сенаторлар ўзлари томонидан маъқулланган қонунлар аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлади деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Бахтияр Шамсутдинович **Мирбабаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Буритош **Мустафаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

ОЗОДЛИК, ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

30 август — «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилган кун

Ватан озодлиги йўлида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, юрт шаъну шавкатини оламга ёйган инсонлар хотираси абадийдир.

Жалолиддин Мангуберди Ватанимизни босқинчилардан ҳимоя қилиш, миллатимиз эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлида улкан жасорат ва мардлик кўрсатган улуғ бобомиздир. Буюк саркарданинг қаҳрамонлигини англаш учун аввало у яшаган тарихий даврни тасаввур қилиб кўриш кифоя.

...Чингизхон лашкари кўҳна Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келарди. Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ёв қўлига таслим бўлишни афзал деб билган бир вазиятда энди йиғирма бир ёшни қаршилаган Жалолиддин миллатни бирлаштириб, хурлик ва озодлик учун курашишдек шарафли ва огир масъулиятни ўз зиммасига олади. Мўғул қўшинига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилади ва ганимларга қақшатқич зарбалар беради. Чингизхондай маккор, бешафқат фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлади.

Тарихчи Муҳаммад Насавий Жалолиддин Мангубердини бун-

дай таърифлаган: «У шерлар орасида энг зўр шер эди, кўркмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ювош, мулоим одам эди, жahlдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб кўярди, кам гапирарди. Ҳақгўйликни, адолатни улуғларди».

Мард ва жасур бобокалонимиз миллат шаъни ва озодлиги учун кураш тимсоли бўлиб қолди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлимидан кейин жасур аждодимиз ёнидан чарм халтача топилган. Унинг ичида бир қисм Ватан тупроғи бўлган...

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мард ва жасур бобокалонимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг хотирасига мухташам ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Улуғ аждодимизнинг шонли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи қатор китоблар чоп қилинди, илмий анжуманлар ўтказилди.

2000 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республи-

каси қонунига мувофиқ «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Зеро, ўз тарихи ва унда яшаб ўтган буюк инсонлар хотирасига чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади.

Орден марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада, таралаётган нурлар фонида Жалолиддин Мангубердининг зарҳал тасвири туширилган. Жасур саркарданинг қалқон ва қилич дастасини тутган қўли Ватанимизни ҳар лаҳза ҳимоя қилишга қодир куч-қудрат, теран нигоҳлар эса бемисл ирода ифодасидир. Улуғ сиймо ортида мовий фондаги нурлар тасвири аждодлардан мерос маънавий қувватни, тинчлик ва барқарорлик халқимиз учун энг олий бахт эканини англади. Ҳошиядаги оқ ва қизил ранг поклик, ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Орден айланасининг пастки қисмига қопланган яшил эмаль — яшариш ва янгилашиш, тинчлик туфайли яшнаётган она юртимиз, тўкинлик рамзи, иккита дафна новдаси осуда кунларда фаровон ҳаётни барпо этадиган

илҳом завқи, қувончи ифодаси.

Президентимиз фармонида мувофиқ «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан мамлакатимиз мустақиллиги, Ватанимиз сарҳадлари, она юртимиз тупроғини ҳимоя қилиш ҳамда уни кўз қорачигидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган ҳарбий хизматчилар мукофотланиб келинмоқда.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши мумкин. Президентимизнинг 2003 йил 22 августдаги фармонида биноан Хоразм вилояти «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан мукофотланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, Жалолиддин Мангуберди ҳаётдан олинмаган сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақ-



дири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради.


Жалолиддин Мангуберди тимсоли барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил Наманган вилоятида ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидаги сўзлар ёшларимизнинг турли халқаро мусобақалар, жумладан, Хитойнинг Нанкин шаҳрида 16-28 август кунлари бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия



ўйинларида юқори натижаларга эришишида кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни галаба сари руҳлантирди.

Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан жаҳон ёшлари ўртасида олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш орқали навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш ва уларни катта спортнинг юксак чўққиларини забт этишга тайёрлаб бориш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли спорт анжумани дунё халқларининг ўз салоҳиятини намоен этиши, гурур ва ифтихорини юксалтиришида ўзига хос восита бўлиб хизмат қилди.

Қарийб икки ҳафта давомидан жаҳоннинг 170 та давлатидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3500 дан зиёд ўсмирлар спортнинг 28 тури бўйича голиблик учун куч синашди. Дунё аҳли II ўсмирлар Олимпиадасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатгани, ўз давлатининг спортчиси галабаси нашидасини татиб кўргани, унинг муваффақиятини худди ўзиникидек қабул қилгани шубҳасиз. Зеро, спорт — одамларни бирдамликка чақирадиган, ҳар қайси миллат ва халқнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини юксалтирадиган қудратли кучдир.

Бугун спортчиларимиз жаҳон ареналарида ўз она Ватани — мустақил Ўзбекистон номидан қатнашаётганидан қанчалик фахрланаётган бўлса, халқимиз ҳам уларнинг юксак галабаларидан шунчалик гурурланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида ҳамда Ватанимиз салоҳиятини дунёга намоен қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Республика Президенти ташаббуси билан спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро

стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида спортни ривожлантириш учун 1 триллион 76 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди, 1979 та замонавий, мухташам спорт иншоотлари барпо этилди.

Шу кунларда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ва спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимизда 2003 йилда жами ўқувчи-ёшларнинг 20,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозир бу рақам 45 фоиздан ошиб кетди.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Рақамларга эътибор берайлик, кейинги беш йил мобайнида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш — 9,7 фоизга, пневмония билан — 49,1, бронхит билан — 32,8, сколиоз билан касалланиш — 32,7 фоизга пасайган. Бу бежиз эмас, албатта! Зеро, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, спорт сингари соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида аҳоли, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсади муҳимдир.

Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзга чиқаришнинг муҳим воситаси: таълим тизимидаги дунё мамлакатларида ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари жорий қилиниб, ҳудудларда мунтазам ташкил этилмоқда. «Кичик Олимпиада» мақомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларимизга бир олам қувонч, галаба нашидасини, унутилмас лаҳзаларни ҳаёда этадиган, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган том маънода ёшлар ва баркамоллик байрамига айланди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон аҳлига **Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам**

бўлмаслигини исботлай оладиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчимиз бадий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI эзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлди.

Ҳар қандай мамлакатнинг нуфузли спорт мусобақасида эришган натижалари аввалги мусобақалар билан таққосланади ва бу қиёс ўша давлатда спортнинг қай даражада ривожланаётганини белгилаб беради. 2010 йили Сингапурда ўтган I ўсмирлар Олимпиадасида 21 нафар спортчимиз иштирок этиб, 3 кумуш ва 6 бронза медаль билан тақдирланган бўлса,



бу йилги спорт анжуманида 28 нафар олимпиячимиз қатнашиб, илк бор 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални кўлга киритди. Яна бир мисол, 2010 йили Сингапур Олимпиадасига йўланма олган спортчиларимиз асосан пойтахт ва етти вилоятдан терма жамоага сараланган ёшлар бўлса, бу йилги Олимпия ўйинларига йўл олган ёшлар юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан сараланган иқтидорли спортчилардир. Бу жойларда **«оммавийликдан — профессионалликка»** тизими яхши йўлга қўйилганидан далолатдир. Бу мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис қишлоқларида ҳам спортни ривожлантириш кенг йўлга қўйилгани натижаси ва истиқлол берган имконият самарасидир.

Дунёда етакчилардан ҳисобланган ўзбек бокс мактабининг ёш вакили, фарғоналик Бектемир Мелиқўзиевнинг эришган натижасига бугун дунё ёшлари ҳавас қилмоқда. Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони бўлган умидли боксчимиз энди ўсмирлар Олимпия ўйинлари олтин медалини ҳам кўлга киритди.

Ушбу Олимпиаданинг сўнги кунда ўтказилган вазни 69 килограммгача бўлган чарм кўлқоп усталари баҳсида рингга чиққан Бектемир ярим финалда беларуслик Иляс Адзинаевни, финалда Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланони мағ-

лубиятга учратиб, ўз вазнида дунёда тенгсиз эканини яна бир қарра исботлади.

— Ҳар қандай йирик мусобақада жонажон Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир, — дейди Бектемир Мелиқўзиев. — Биз, ёшларнинг Нанкин Олимпиадасида эришган улкан ютуқларимиз Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайлидир. Биз галабамизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаймиз.

Нанкин Олимпиадасининг юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида иштирок этган, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони, самарқандлик Илҳом Баҳромов ҳам делегациямиз ҳисобига олтин медаль келтириб, муҳлису мустаҳкам ишончини оқлади. Умидли спортчимиз саралашда жазоирлик Хусам Бунасрий, бразилиялик Калебе Феррейра Коррея, Маршалл ороллари вакили Кайсер Мюллерни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Жаббор Нажафов билан куч синашган полвонимиз рақибини 3:1 ҳисобида енгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

— Ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандимиз, — дейди Илҳом Баҳромов. — Ҳар бир беллашув олдидан миллионлаб юртдошларимизнинг кўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турдик, бу бизга куч-ғайрат ва шижоат бағишлади.

Бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Ришод Собиров, Шўҳрат Арслонов, Яҳё Имомов сингари тажрибали дзюдочиларимиз сафига яна бир янги истеъдод соҳиби қўшилди. Нанкин Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган дзюдочи, сурхондарёлик Сўҳроб Турсунов 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида учинчи, жамоавий беллашувларда эса биринчи ўринни эгаллади.

Яна бир вақилимиз Владимир Свечников 10 метр масофадан тўппончадан ўқ отиш бўйича микст баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган беллашувларда иштирок этган ҳамюртимиз Умид Абдуллаева вазни 63 килограммдан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида иккинчи, Сулаймон Латипов вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида кумуш, спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда қатнашган Тимур Қодиров бронза медалини кўлга киритди.

Сўнги йилларда ўзбекистонлик оғир атлетикачиларнинг жаҳон ареналарида кўлга киритаётган ютуқлари сони ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлан-

тириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир. Масалан, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов эришаётган натижалар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётир. Унга ҳавас қилган хоразмлик Фарҳодбек Собиров ва наманганлик Адҳамжон Эргашев II ўсмирлар Олимпиадасида муносиб иштирок этиб, ўз вазни тоифасида кумуш ва бронза медал билан тақдирлангани оғир атлетика бўйича нуфузли мусобақаларда кўлга киритилажак ютуқлар салмоғи янада ортишидан далолатдир.

Юнон-рум кураши бўйича Абубакр Алимов, аёллар кураши баҳсларида қатнашган Шаҳодат Жўллибоева, спорт гимнастикаси бўйича Вероника Орлова, бадий гимнастика бўйича шахсий кўпкураш баҳсларида иштирок этган Анора Давлатова, гуруҳ баҳсларида қатнашган Комила Рустамова, Карина Тоғаева, Сабрина Рамазонава, Гўзал Райманова ва Ирина Салех, боксчи Козимбек Мардон, оғир атлетикачи Комила Абдуллаева, эшкак эшиш бўйича Шаҳбоз Абдужабборов, Артур Гулиев ва Юлдуз Кульговая, ўқ отиш бўйича Вадим Скорюков, сузиш бўйича Артем Пухнатий ва Андрей Правдивцев, стол тенниси баҳсларида иштирок этган Регина Ким ва трамполин бўйича Амиран Бабаян учун Нанкин Олимпиадаси тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини кенг намоен этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимизнинг Нанкин майдонларида кўлга киритган ютуқлари халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға бўлди.



Катта спортга энди қадам қўяётган ёш олимпиячиларимизни келгусида янада нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Улар келажақда бундан-да юксак галабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаши шубҳасиз.

ЎЗА

Газетамизнинг кейинги сонларида спортчиларимиз ва уларнинг ютуқлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб борамиз.

Kun mavzusi

Янги ўқув йилида таълим сифати ошади

Билимлар куни олдида Халқ таълими вазирлиги матбуот анжуманини ўтказди. Тадбирда Халқ таълими вазири Улуғбек Инояттов журналистларга янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳамда таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича жорий қилинаётган янгиликлар хусусида маълумот берди.

Айни вақтда юртимизда 9739та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу йил инвестиция дастурига кўра, уларнинг 381тасида қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва 3024та мактаб янги мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб хорижий тиллар 1-синфдан ўқитилмоқда. Шу боис бошланғич синфлар учун чет тили кабинетларини замонавий талаблар асосида жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирга қадар жами 4193та ана шундай синф хонаси ахборот-коммуникация ва махсус техник воситалар тўплами билан таъминланди. Бундай шароитда ўқитувчи фанни нафақат дарслик, балки интерфаол ўйинлар ва турли мультимедиа таълим ресурслари ёрдамида ўтиши мумкин.

Анжуманда таъкидланганидек, бошланғич синф ўқитувчилари учун етти номдаги методик қўлланма ва уларнинг

мультимедиа иловалари тайёрланди. Бу эса 1-синфларда барча фанларни тўлиқ илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитиш имконини беради. Ўз навбатида, педагоглар илғор тажрибалардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши ҳам долзарб масала. Масалан, охириги мониторинг натижалари бошланғич синфларда чет тилидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг АКТдан фойдаланиш даражаси 75,6 фоизни ташкил этишини кўрсатган эди. Шунга кўра, жорий йилда 18 минг нафар чет тили ўқитувчиси ўз малакасини оширди.

Тадбир давомида болаларни мактабга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида ҳам сўз борди.

Янги ўқув йилида 587 минг нафар бола 1-синфга қабул қилинади. Бу рақам аввалги йилга нисбатан 62 мингтага кўп ва йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда республикамизда мактабгача ёшдаги болаларнинг 23

фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Демак, қолган қисми мактабга оилада тайёрланади. «Болажон» таянч дастури доирасида фарзанди боғчага бормайдиган ота-оналар учун беш номдаги қўлланма яратилиб, 2,5 миллион нусхада чоп этилди. Улар боланинг нутқини ўстириш, ўқиш ва ёзишга тайёрлаш, математик тасаввурларни шакллантириш, ёшига муносиб бадиий асарлар билан таништириш, соғлом турмуш асосларини шакллантиришда ёрдам беради. Адабиётлар мактаб кутубхоналари орқали бепул тарқатилади.

Шу билан бирга болаларни мактабгача таълимга янада кенг жалб этиш ҳамда мактабга тайёргарлигини яхшилаш мақсадида яқин истиқболда боғчаларда 1220та қисқа муддатли гуруҳ очилиши режалаштирилган. Яна бир муҳим янгилик: мамлакатимизда Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг касбий даражасини оширишга қаратилган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастур беш йилга мўлжалланган бўлиб, унинг ижроси келаси йилдан бошланади.

Таълим мазмунининг асосий компо-

ненти ҳисобланадиган дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва такомиллаштириш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, жорий ўқув йили учун 605 номдаги дарслик ва ўқув-услубий қўлланма жами 34,5 миллион нусхада чоп этилиб, мактабларга етказилди. Янги ўқув адабиётлари қаторида 2-синфлар учун мўлжалланган янги инглиз, немис ва француз тили дарсликлари ҳам бор.

Болаларни спортга жалб этиш, мактабдан ташқари таълим олиш имкониятларини ошириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинган. Юртимизда 483та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 211та «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази, 278та болалар мусиқа ва санъат мактаби, қарийб 1,5 мингта спорт иншооти фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда 2,3 миллион нафардан зиёд ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланапти. Умумтаълим мактабларида 64 мингдан ортиқ спорт секцияси мавжуд. Биргина жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 115та спорт объектида қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилди. 48та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилди. Яратилган шароитлар ёш авлод вакиллариининг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб вояга етишларида ўз самарасини беради.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Tarix va yoshlar

Кандакорлик санъати дурдоналари

Заргарлик, кулолчилик, наққошлик, дўппидўзлик, пичоқчилик каби санъат даражасига кўтарилган хунармандчилик турлари неча минг йиллардан буён халқимиз ҳаётининг бир бўлаги сифатида қадрланиб келади. Аммо қадимийлиги жиҳатидан керамика (кулолчилик)дан кейинги ўринда турувчи кандакорлик санъати ҳақида ҳамма ҳам бирдек хабардор эмас. Пойтахтимиздаги Иқоо Ҳираяма Халқаро маданият карвонсаройида бўлиб ўтган кўргазмада айнан кандакорликка оид буюмлар намойиш этилди.

Бир неча йиллардан бери Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганиш, уни тўплаш ва сақлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган юртдошимиз Фахриддин Абдужабборов коллекцияси намуналари намойиш этилган ушбу кўргазма «Кандакорлик санъати дурдоналари» деб номланди.

Ўзбек халқ амалий санъатида торовтика — металдан ясалган буюмларга ишлов бериш, яъни кандакорлик алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, мис, бронза буюмларга ишлов берган. Жуда қадим замонлардаёқ бронзадан буюмлар ясаш урф бўлган. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги, асосан, кумуш буюмларда ўз ифодасини топган бўлса, XI асрга келиб деярли барча Шарқ мамлакатларида бўлганидек, Туронзаминда ҳам кандакор усталар ўз маҳсулотларини мис ва мис

қотишмаларидан тайёрлай бошлаган.

Қизиғи шундаки, кандакорлик асарларини яратишда биргина асбоб — пўлат қалам кифоя. Лекин бу ҳолат мазкур хунарни эгаллаш осон экан, деган хулоса чиқаришга сабаб бўлмайди, аксинча, у хунарманддан ўта нозикликни, сабрни талаб қилади. Металл буюмларга миллий нақш ёки гуллар тасвири туширилган, буюм сиртини ялтиратиш учун эгов ишлатилган. Доиралар нақш солишда эса паргордан фойдаланганлар.

Ўзбекистон кандакорлиги III-VIII асрларда юсак тараққий этди. Бу пайтда ҳокимлар ва аёнлар учун мўлжалланган, қимматбаҳо металлдан қилинган бадиий хунармандчилик буюмларида дунёвий мавзулар — тўй-томоша, байрам ва сайиллар,

шикор ва кураш манзаралари биринчи ўринда турган. Кандакорликка оид буюмлар ичидан ўзбек халқ амалий санъатига тегишлисини ажратиб олиш қийин эмас. Усталари-

кўздан кечирар экансиз, буюмларнинг ҳали-ҳануз ялтироқлиги ҳамда моҳирона ўйилган нақшларнинг неча асрдирки, сақланиб тургани сизни ҳайратга солади. Бундан

мошабинларни ҳайрон қолдирди. Ўзининг «Тикланиш» лойиҳаси билан санъатсеварлар меҳрини қозонган Фахриддин Абдужабборов мазкур кўргазмасини Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлади.

— Мен халқимизнинг азалий қадриятлари, бой санъатини бугунги авлодга танитиш, етказиб бериш, шунингдек, тарихи бир неча минг йилликлар билан ўлчанадиган ноёб меросини сақлашда озгина бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Коллекциямни тўплашда менга кўплаб тарихчи олимлар, этнографлар, санъатшунослар катта ёрдам бериб келмоқда. Чунки ўтмишни пухта билиш, халқимиз ва миллатимизнинг ранг-баранг меросини ўрганиш учун бир инсон саъй-ҳаракати ва интилишлари камлик қилади, бунда бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта, — дейди Фахриддин Абдужабборов

Шахсий коллекционер Фахриддин Абдужабборовнинг «Кандакорлик санъати дурдоналари» кўргазмаси юртдошларимиз учун муносиб байрам тўғриси бўлди.

Кўргазмани ЎЗДЖТУ талабаси Кумушбиби ЭРМАМАНОВА кузатди.



миз ўз асарларида нақш ва гулларни маълум хошиялар билан чегаралаганлар. Гўёки тартибсиз ҳолда тарвақайлаб кетган гуллар уста томонидан ғоят эҳтиёткорлик билан «тараб», тартибга келтирилгандек.

«Кандакорлик санъати дурдоналари» кўргазмаси олтмишдан ортиқ экспонатни ўзида жамлади. Уларни

ташқари, чойқари, чойнак, офтоба, чойнак, овчилар довули (барабан), манти қасқон сингари буюмлардан иборат экспонатларга боқиб, ўзбек халқи ҳатто рўзғорда ишлатиладиган оддий челақнинг ҳам гўзал кўринишда бўлишига алоҳида эътибор берганига амин бўласиз. Кўргазмадан ўрин олган шундай мис челақнинг махсус қопқоғи борлиги то-

«ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



**Улуғбек
Рўзиматов,**
«Йилнинг энг фаол
ёш журналисти —
2013» танлови
голиби, patnews.uz
электрон нашри
муҳаррири
ўринбосари:

— Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивалининг бир жиҳатини алоҳида айтиб ўтишни истардим: у мамлакатимизнинг барча вилоятларида яшовчи иқтидорли ёшларни бир жойга жамлади. Шу боис уни иккиланмасдан иқтидорли ёшларнинг улкан анжумани деб аташ мумкин. Фестиваль фақат ўйин-кулги, қувноқ учрашувлардан иборат бўлмади, у янги ғоялар, янги фикрлар минбарига айланди.

Ёшлар фестивали давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бўлди. Қонун ижодкорлари билан учрашиб суҳбатлашдик, иш жараёнлари билан танишдик. Масалан, мен суҳбатлар асосида ўз касбимга оид билимларимни бойитдим, дея оламан.

Юртбошимизнинг «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!», деган гаплари менга доимо куч бағишлаб туради.

Boshlang'ich tashkilotlarda



«Ўзметкомбинат» АЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ёш металлурглр ўртасида «Ўзбегим ўғлонлари» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда ўн нафар йигит тажрибали ошпазлар олдида пазандлик маҳоратини намойиш этди.

Иштирокчилар дамлаган паловлар мазаси бўйича бир-биридан ўтгани боис, ҳакамлар ҳайъати иккитадан 1-, 2- ва 3- ўрин соҳибларини аниқлади.

«Ўзбегим ўғлонлари» палов гаммади

— Бундай қизиқарли танловда илк бор иштирок этишим, — дейди танловда 1-ўринни олган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Фаррух Мирзакулов. — Ташкилотчиларга раҳмат. Шахсан ўзим мириқиб дам олдим. Рақобат кучли бўлди. Бор маҳоратимни ишга солдим. Меҳнат қилган кам бўлмас экан.

Ҳакамлар ҳулосасига кўра, муҳандислик маркази ходими

Руслан Зарипов ҳам биринчи ўринга лойиқ топилди. 2-ўрин электр тармоқлари цехидан Акмал Бадалов ҳамда шиша идишлар ишлаб чиқариш цехи вакили Жаҳонгир Эрматовга насиб этди. Танловда қатнашган Аваз Искандаров ва Элдор Эргашев 3-ўринни эгаллади.

Бекзод ҚОДИРОВ,
«Ўзметкомбинат» АЖ
«Камолот» ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси

Bolaning begonasi bo'lmaydi

Дунё — меҳр устига қурилган



Ёш авлодни маданий меросимизни асраб-авайлаш, тарихий обидалар, осори-атиқаларимизни эъзозлашга ўргатиш, улар онгида халқимизнинг шарафли ўтмишига нисбатан ҳурмат ва ғурур туйғуларини камол топтиришда тарихий масканларга саёҳат, улуғ зотлар хоки пойини зиёрат қилиш каби тадбирлар яхши самара беради.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, ёзги таътилда вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги 22-, Фарғона вилоятидаги 1-, Наманган вилоятидаги 26-, Тошкент вилоятидаги 14- ва 15-сонли Меҳрибонлик уйлари билан ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги болалар шаҳарчаларининг эллик нафар иқтидорли тарбияланувчиси учун Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳат ташкиллаштирди.

Саёҳат болаларнинг Ватанимиз тарихи, бугуни ва келажги ҳақидаги тасаввурларини бойитди. Улар китобларда ўқиган, тарбиячиларидан қайта-қайта эшитган афсоналарининг аслида ҳақиқат эканига иқдор бўлдилар. Саёҳат мурғак юракларни она юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тўлдирди.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» муҳбири

Бугунги глобаллашув, шиддатли тараққиёт шароитида тарбия ва ахлоқ масалалари маърифатпарвар адиб ёзганидек, «ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё фалокат масаласи» экани янада равшанлашиб бормоқда.

Бунга «оммавий маданият»нинг салбий таъсири натижасида ёшлардаги маънавий оғиш ҳолатларининг намоён бўлиши: Европа ва Америкада тарқалиб бораётган ғайриинсоний ҳаракатлар, ёшларнинг зарарли одатларга берилиши ва ўзлигини англамаслик оқибатида сиёсий ўйинлар қурбонига айланиб қолаётганини мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай вазиятларда ёшлар асосий нишон бўлиб қолаётгани ачинарлидир. Ишонч билан айтиш мумкин, агар ёшлар онгида маънавий бўшлиқ бўлмаса, уларда мафкурарий онг тўғри шаклланган бўлса, турли салбий оқибатларнинг вужудга келиш эҳтимоли йўқолади, маънавий баркамоллик, психологик соғломлик ва иммунитет шундай чалғитувчи ғоялар устидан ғалаба қозонади.

Психоаналитик ва файласуф Эрих Фром «Инсон қалби» номли асарида «Инсоннинг ҳаётни севиши, эзгуликка мойиллиги, психологик соғломлиги, ўзининг қизиқишлари ва интилишлари билан фаолият юритиши «биофилия» ҳолати бўлиб, унинг шаклланиши бевосита инсоннинг болалик давридаги унга кўрсатилган меҳр-муҳаббатга боғлиқ»лигини айтади. Боланинг шаклланиш даврида тарбия,

инсонлар билан жонли мулоқот каби сабаблар муҳим аҳамият касб этар экан. «Биофилия» тушунчасига қарама-қарши «некрофилия» тушунчаси ҳам бор. У шахснинг болалиқдан ота-она, яқин қариндошлар меҳрига тўймай ўсгани ёки умуман меҳр кўрмаганини ифодалайди. Ўзи бировлардан меҳр кўрмаган инсон келажакда бировга меҳр кўрсатиши, яхшилик қилиши амримаҳол. Мудом таҳқирланиб, ёмон муносабатлардан юзи қаттиқ бўлиб ўсган болаларда эгоизмининг юқори кўриниши бўлган нарциссизм намоён бўлади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг камолотини кўришни истайди ва бу йўлда ҳаракат қилади. Аммо орамизда ўз фарзандини моддий жиҳатдан таъминлаб қўйишигина ота-оналик вазифасини бажариш, фарзандига меҳр бериш, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас. Улар фарзандида ахлоқий, маънавий жиҳатдан оғиш, жумладан, зарарли одатларга берилиш, агрессивлик, одамовилик, депрессивлик, аффективлик, юрак ва қон-томир хасталиклари каби турли психологик ва физиологик салбий ўзгаришлар кузатилганда эса, бунинг сабабини қидириб қоладилар. Психолог олим Зигмунт Фрейднинг фикрига кўра, бундай салбий ҳолатларни меҳрга бўлган эҳтиёж келтириб чиқаради. Донишмандлар «меҳрибон бўлинглар, дунё меҳр устига қурилган, меҳр гулдир» дея бежиз айтмаган. Меҳр-эҳтибор орқали навниҳол бола иродаси бақувват, чидамли, етук инсон бўлиб улғаяди.

Акобир АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ислом университети
психология йўналиши талабаси

Ажойиб таассуротлар билан

Стефан ПРИСНЕР:

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати бизни қувонтиради

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан атиги олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури, Наркотиклар ва жиноятчиликлар бўйича бошқармаси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди. **Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎЗА мухбири БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан ПРИСНЕР билан суҳбатлашди.**

— Ўзбекистон 23 йил мобайнида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлди, — дейди С.Приснер. — Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя жабҳаларига давлат томонидан катта маблағ ажратиб келинмоқда. Бу Ўзбекистонда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибордан далолат беради.

Президент Ислоҳ Каримов томонидан баён этилган Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги мақсадни биз ниҳоятда юқори баҳолаймиз. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатнинг бор салоҳиятини намойиш этиш учун инсон омиллини, иқтисодий ри-

вожланиш ва демократлаштириш жараёнларини бараварига олиб бориш муҳимдир.

— Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ҳақида нима дея оласиз?

— БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликда турли соҳаларда кўплаб ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлди. Ўзбекистонда 21 йил илгари ўз ваколатхоналарини ташкил этган БМТ агентликлари мамлакатингиз билан ҳамкорликдаги фаолияти давомида катта ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз. БМТ илгари сураётган ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаётгани, уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистондан миннатдоримиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дастури асосида ижтимоий ривожланиш, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, аҳолининг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, самарали давлат бошқаруви ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

БМТнинг Ўзбекистондаги барча агентликлари миллий ҳамкорлар билан биргаликда ҳамкорлик дастуримизнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларини ишлаб чиқмоқда.

— Президент Ислоҳ Каримовнинг БМТнинг асосий ғоя ва мақсадларига мос ёндашувлари — минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, турли мамлакатларда рўй бераётган қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббуслари ҳақида фикрингизни баён қилсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, халқаро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган барча тортишувларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ғоя ва ташаббуслари бизни қувонтиради. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида ўз аксини топган бўлиб, унда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТ мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этилган ҳамда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсат юритиши, минтақадаги мамлакатлар билан ташқи сиёсатини ҳамкорлик ва дўстлик руҳида олиб бориши таъкидланган.

2014 йил 6 майда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколнинг имзоланиши минтақа давлатларининг умумжаҳон тинчликни сақлаш тамойилларига содиқлиги ва қодирлигини намойиш қилди. Мазкур халқаро ҳужжат Марказий Осиёда ҳеч қандай ядровий қурол қўлламаслик, бундай қурол билан минтақа давлатларини кўрқитмасликни кафолатлайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан сайёра-

мизнинг шимолий ярим шарида ядровий қуролдан холи бўлган илк ҳудуд яратилди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни Марказий Осиё ҳудудининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам қўйилгани муносабати билан қутлади.

— Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрингиз.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида аҳолининг аксарияти кексалардан иборат экани тобора долзарб масалага айланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда ёшларнинг кўплиги диққатга сазовор. Мамлакатингизда ёш авлод фаровонлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани, жумладан, 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилинган, шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури изчил амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир.

2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури қабул қилинган ҳам алоҳида эътирофга сазовордир. Ушбу дастур аҳоли, жумладан, жисмоний ва руҳий заиф болалар учун соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тикланиш соҳасида юқори сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистонда мактабгача таълим, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими қамровини кенгайтириш, барча босқичлардаги таълим сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилган ишлар БМТ томонидан юксак баҳоланди.

Ёшлар юрт келагидир. Шу боис улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, мамлакат ривожланишига ҳисса қўшиб, тараққиёт жараёнининг етакчиларига айланиши лозим. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар БМТнинг XXI аср ёшлари, деб номланган ташаббуси билан ҳамроҳандир. Ушбу ташаббус бутун дунё бўйлаб ёш ўғил-қизлар, ўсмирлар орасида етакчилик қобилиятлари ва кўникмаларини ривожлантириб, уларни демократик тамойилларга асосланган давлат бошқаруви ва тараққиёт жараёнида фаол иштирок этишга даъват этади.

— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА веб-сайтида (www.uz.uz) БМТнинг барча расмий тилларида бериб бориладиган янгиликларни кузатиб бора-расизми?

— БМТнинг расмий тиллари, яъни инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари дунёда энг кенг тарқалган тиллардир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг www.uz.uz сайтыда саккиз тилда, жумладан, БМТнинг барча расмий тилларида материаллар бериб борилиши алоҳида мақтовга лойиқ. Бу Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид ахборотларни жаҳон жамоатчилигига етказишда муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон халқига байрам тилақларингиз.

— Яқинлашиб келаётган улуғ айём — Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига энг эзгу тилақларимни изҳор этаман. Мамлакатингизга доимий тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиёт, халқингизга мустаҳкам соғлиқ тилайман. БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонаман.

ЎЗА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

Келажак эгалари

Янги фикр, янги ғоялар. Ташаббус, таклиф, тавсиялар. Гап бугуннинг интеллектуал салоҳияти юқори, фаол ва илғор ёшлари ҳақида борганда беихтиёр бу сўзларни қўллайдди киши.

Сиз суратда кўриб турган йигит-қизлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари етакчилари — бугуннинг илғор фикрли, фаол ёшлари. Уларнинг зиммасида иккита масъулиятли вазифа бор. Биринчиси, улар ўзларининг иқтидор ва қобилиятларини илму маърифат билан мунтазам сайқалантириб боришлари керак. Иккинчиси, улар ўзлари каби иқтидорли ёшлар билан ишлайди.

Мана шундай фаолият тенгдошларимизнинг ҳар томонлама етук кадр бўлиб етишиши учун пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Рустам НАЗАРМатов фотолавҳаси



Bolalar sporti

Қағами дағил ёшлар

Мирзо Улуғбек туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Соғлом бола йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Соғ танда — соғлом ақл» деб номланган спорт фестивали бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда мактаб, мактабгача таълим муассасаларидан уч юз нафарга яқин умидли спортчи ўқувчи ва тарбияланувчи иштирок этди.


Фестиваль «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шио-

ри остида спортнинг футбол, енгил атлетика, бадий гимнастика, эркин кураш, стол тенниси, спорт гимнастика ва велоспорт турлари бўйича ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил этилган маҳорат сабоқлари, семинар-тренинг ва мусобақаларда ёшлар ўз билим, тажриба ва маҳоратини янада оширди.

— Ёш авлодни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш ва спорт турларини янада оммалаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш асосий мақсадимиз, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент

шаҳар филиали бош мутахассиси Дониёр Курбонов. — Туманда замонавий, қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпиони бўлаётган ёшлар сони йил сайин ортиб бораётгани қувонарли. Жумладан, жорий йил Малайзияда ўтказилган жаҳон чемпионатида муайтай бўйича бронза медаль соҳиби, жаҳон чемпиони Қахрамон Оллоберганов, велоспорт бўйича АҚШда ўтказилган халқаро очик турнирда 1-ўринни эгаллаган Отамурод Ўрунов, спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Темур Қодиров сингари ёшлар тенгдошларида юксак ҳавас туйғусини уйғотиб, уларни ҳам янги марралар сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ



Рустам Назарматов олган сурат

Кармана туманидаги «Офтобжон» оромгоҳида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турадиган вояга етмаганлар учун «Тарбия ва спорт-соғломлаштириш» оромгоҳи ташкил этилди.

Тарбия оромгоҳи



Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турадиган вояга етмаганлар қалбида эзгу хислатларни шакллантириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур оромгоҳга туман ва шаҳарлардан юз нафар ўғил-қиз жалб этилди. Бир ҳафталик дастур асосида амалий машғулотлар, психологик семинар-тренинглар, спорт мусобақалари, учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши қошидаги шахмат-шашка, тасвирий санъат, «Ёш лидерлар», «Ёш оила» тўғрақлари раҳбарлари болалар учун қизиқарли ўқув-семинарлар, интерфаол ўйинлар ташкил этди.

Ўтган йили мазкур лойиҳа орқали ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турадиган ўттиз нафар ўсмир рўйхатдан чиқарилган эди. Бу йил ҳам ана шундай натижага эришиш кўзда тутилган.

Отабек АСЛОНОВ,
Навоий вилояти

Фаолликка ундоғ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгашининг барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, масъул ходимлари ва «Камолот»чилар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда намунали бошланғич ташкилоти сифатида Ҳаракатнинг Гулистон шаҳар кенгашининг иш тажрибаси ўрганилди.

Иштирокчилар дастур бўйича дастлаб Гулистон шаҳар ҳокими Асқарали Акбаров билан учрашди. Сўнг «Камолот» ЁИХ Гулистон шаҳар кенгашига бориб, у ерда яратилган шароитлар билан танишди. Янги лойиҳалар, ташаббус ва ғоялар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Ҳамкорликдаги ишларни келгусида янада жонлантиришга келишиб олинди. Кейинги манзил — «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи бошланғич ташкилоти бўлди. У ерда «Камолот» фаоллари «Тиниқ фикрлар», «Камолот» юлдузлари лойиҳалари устида ишлади. Келаси йил бу лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Наргиза ХОЛБОЕВА

Соғлом турмуш тарзи тарафдорлари

Фарғона вилояти Қўштепа туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» лойиҳаси доирасида «Камолот»-Тур» ёшлар веломарафони ўтказилди.

«Ягонасан муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган веломарафонда йигирма нафар нуруний, ўттиз нафар аёл ва қиз, олти нафар ўспирин, жами 110 нафар ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

Марафончилар 135 километр масофани босиб ўтди, илғор иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА,
Фарғона вилояти

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Қўйнинг боласи қўзи, қўзичоқ; эчки — улоқ, от — қулу, тойчоқ, той; туя — бўғалоқ, бўға, дейлади. Айтинг-чи, кийикнинг боласи нима деб аталади?

Жавобингизни 2 сентябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Қорамол терисидан тайёрланган, пишиқ, қалин чарм «ултон» дейлади. У бошмоқ, кавуш каби пойабзалларнинг ост қисми учун ишлатилган. Нафси ёмон киши ултон бўлади, дегани — унинг бориб-бориб, худди кавушнинг ост қисмидек ҳамманинг наздида паст кимсага айланади, деганидир.

YONDAFTARCHANGIZGA

Ер ҳалолдир — беҳиёнат ҳар маҳал
Экканингни қайтариб бергай тугал.

Жалолiddин Румий